*Ўзбекистон — келажаги буюк давлат*

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

24 сентябрь, чоршанба, 1997 йил

Сотувда эркин нархда. № 198 (1715)

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 23 сентябрь куни Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) Парламент Ассамблеяси Президенти Хавьер Руперез, ЕХҲТ Парламент Ассамблеяси Бош котиби Спенсер Оливер ҳамда ЕХҲТнинг Тошкентдаги ҳудудий бюроси раҳбари Ганчо Ганчевни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари ЕХҲТ Парламент Ассамблеяси кенгайтирилган бюросининг Тошкентда бўлиб ўтган мажлисини юқори баҳолади.

-- Парламент Ассамблеяси кенгайтирилган бюросининг Тошкентда ўтган мазкур мажлиси Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ва ушбу ташкилот тузилмаларининг Марказий Осиё минтақасига қизиқиши тобора ортиб бораётганидан яна бир далолатдир, -- деди жумладан Ислом Каримов. -- Мазкур минтақада мавжуд муаммоларни атрофлича ўрганиш ҳамда уларни бартараф қилишда аниқ чора-тадбирлар қўллаш учун ушбу мажлис сизларга катта ёрдам беради, деб умид қиламан.

Шунингдек, мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан ЕХҲТ ўртасидаги интеграцияни янада чуқурлаштиришда Парламент Ассамблеяси ҳам муҳим ўрин тутишини айтди.

Меҳмонлар самимий қабул учун Президент Ислом Каримовга миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон раҳбари Марказий Осиё минтақасида хавфсизликни таъминлаш йўлида алоҳида жонбозлик кўрсатаётганини таъкидладилар.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан ЕХҲТ ва унинг тузилмалари ўртасидаги ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамлаш, шунингдек, парламентлараро ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Қабул чоғида Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси В. Норов, ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

* * *

**Шу куни Президент Ислом Каримов Россия Федерацияси Давлат Думасининг раиси Геннадий Селезнёвни қабул қилди.**

-- Россия парламенти олий мартабали вакилининг Ўзбекистонга келиши муҳим воқеа, -- деди Ислом Каримов. -- Бу Россияда кечаётган воқеалар ва умуман дунёда содир бўлаётган ўзгаришлар хусусида юзма-юз ҳолда фикр алмашувимиз учун жуда қулай имкон яратади.

Г. Селезнёв Россия Давлат Думаси депутатларининг Ўзбекистонга муносабати ҳақида гапириб, уларнинг кўпчилиги мамлакатимиз билан тенг ҳуқуқли асосда ҳамкорликни ривожлантириш тарафдори эканини маълум қилди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Россия Федерацияси ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва парламентлараро алоқаларни ривожлантириш борасида фикр алмашилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси В. Норов, ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

Қабул маросимида Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси А. Пацев ҳозир бўлди.

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 23 сентябрь куни Қирғизистон Жоқарғи Кенеши халқ вакиллари йиғилишининг тўрағаси Алмамбет Матубраимовни қабул қилди.**

Мамлакатимиз раҳбари Қирғизистон парламенти раисини Ўзбекистонга илк ташрифи билан қутлар экан, икки давлат ўртасида парламентлараро муносабатларнинг ривожида унинг алоҳида ҳиссаси борлигини таъкидлади.

-- ЕХҲТ парламент ассамблеясининг Тошкентда ўтказаётган анжуманида иштирок этаётганингиз, -- деди Ислом Каримов, -- Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида тобора мустаҳкамланиб бораётган дўстона муносабатлар ва ўзаро ҳамжиҳатликнинг яна бир белгисидир.

А. Матубраимов самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Ислом Каримовнинг Марказий Осиёда интеграция жараёнини жадаллаштириш, минтақавий хавфсизликни таъминлаш борасидаги хизматларига юқори баҳо берди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасида турли соҳалар бўйича ҳамкорликни янада ривожлантириш, шунингдек, икки мамлакат парламентлари ўртасидаги алоқаларни фаоллаштириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Қабул маросимида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси В. Норов иштирок этди.

Қабул маросимида Қирғизистоннинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Б. Сидиқов ҳозир бўлди.

**(ЎзА)**

**СУРАТДА:** ***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ЕХҲТ Парламент Ассамблеяси Президенти Хавьер Руперез, ЕХҲТ Парламент Ассамблеяси Бош котиби Спенсер Оливер ҳамда ЕХҲТнинг Тошкентдаги ҳудудий бюроси раҳбари Ганчо Ганчевни қабул қилиш пайти:***

**Р. ЖУМАНИЁЗОВ**
**олган сурат.**

---

● *«ПАХТА-97»*

## ЙИҒИМ-ТЕРИМНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШГА ЭЪТИБОР ЗАРУР

***Жиззахда пахта йиғим-терими мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлди. Унда тегишли вазирлик, қўмита, компания ва уюшмаларнинг раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, вилоят деҳқончилик-саноат мажмуи мутасаддилари қатнашди.***

Йиғилишни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков бошқарди.

Маълумки, Жиззах вилояти шароитида ҳосилни қисқа фурсатда нес-нобуд қилмай йиғиштириб олиш асосан техникадан самарали фойдаланишга боғлиқ. Бу эса барча терим машиналари ва техника воситаларини ишга тўла шай ҳолга келтириш, ғўза баргини сифатли тўктириш, териб олинган ҳосилни зудлик билан қайта ишлаш корхоналарига етказиш ишларини юксак даражада ташкил қилишни тақозо этади. Бу ишларга аввало соҳанинг барча даражадаги раҳбарлари бош-қош бўлиши, юксак ташкилотчилик ва ташаббускорлик кўрсатиши даркор. Йиғим-терим ишлари ҳал қилувчи паллага кираётган ҳозирги даврда теримчилар ва механизаторларни моддий рағбатлантириш, уларга тегишли маданий-маиший, тиббий ва савдо хизмати кўрсатишни намунали йўлга қўйиш, айниқса, муҳим аҳамиятга эга. Йиғилишда бу борада мутасадди ташкилотлар раҳбарларига аниқ топшириқ ва кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда вилоят ҳокими Ш. Мирзиёев қатнашди.

**Йўлчи ЖЎРА,**
**ЎзА мухбири.**

## МУКОФОТГА – АВТОМОБИЛЬ

***Наманган вилояти ҳокимлиги пахта йиғим-терими олдидан қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, «Пахтасаноатсотиш» акционерлик жамияти ва агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси билан биргаликда эълон қилган мусобақа ғолибларини катта совринлар кутади.***

Мусобақага туман ва хўжаликлар (жамоа ва фермер хўжаликлари), шунингдек, меҳнат жамоалари йиғим-теримда иштирок этадиган корхоналар, ташкилотлар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўртасида якун ясалади. Мусобақа давомида энг яхши теримчилар, пахта териш машиналарининг механик-ҳайдовчилари аниқланади.

Энг қимматбаҳо совринлар пахта йиғим-теримини қисқа муддатда сифатли ўтказган туманларга насиб қилади. Туманлар ўртасидаги мусобақа ғолибларига уларнинг эгаллаган жойларига қараб, «Нексия», «Дамас», «Тико» автомобиллари берилади. Мусобақанинг бошқа пешқадамларига пул мукофотлари, қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилади.

**Н. ХЎЖАЕВА,**
**ЎзА мухбири.**

---

## МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИКДАН ДУНЁ ХАВФСИЗЛИГИ САРИ

***Пойтахтимиздаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида икки кун давом этган Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Парламент Ассамблеяси кенгайтирилган бюросининг мажлиси 23 сентябрь куни ўз ишини якунлади. Мажлис ниҳоясига етгач, меҳмонхонанинг Амир Темур залида «Марказий Осиё ва Кавказда минтақавий хавфсизлик ҳамда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва гуманитар масалалар» мавзуидаги халқаро семинар очилди.***




Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг ЕХҲТ Парламент Ассамблеяси кенгайтирилган бюросининг мажлиси ва мазкур семинар иштирокчиларига йўллаган табригини ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ўқиб эшиттирди.

Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Парламент Ассамблеяси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ташаббуси билан ташкил этилган мазкур семинарда минтақавий хавфсизликни таъминлашда парламентлараро ҳамкорликнинг аҳамияти, Марказий Осиё ва Кавказ минтақаларида айни вақтдаги долзарб сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий масалалар ва уларни ҳал этиш йўллари, шунингдек, мазкур минтақаларда ЕХҲТнинг фаолияти билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинмоқда.

ЕХҲТ Парламент Ассамблеяси раиси Хавьер Руперез семинарни очар экан, ЕХҲТ Марказий Осиё ва Кавказ минтақаларига алоҳида эътибор қаратаётганини таъкидлади. Бундай семинарларни ўтказиш турли минтақа мамлакатлари ўртасида ўзаро алоқаларни янада яқинлаштиришга кўмак беради, деди у жумладан. Парламент Ассамблеясининг фахрий раиси Франк Свален минтақавий хавфсизликни таъминлаш шарт-шароитлари ҳақида гапириб, бу тушунча бугун нафақат қуролли можаролар ёхуд ҳарбий ҳаракатларни, балки халқаро гиёҳвандлик ва коррупцияга қарши кураш, экология бузилишининг олдини олишни ҳам назарда тутишини таъкидлади.

Семинарда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Эркин Халилов минтақавий хавфсизликни таъминлаш борасида Ўзбекистон ҳукумати олиб бораётган ташқи ва ички сиёсат ҳақида гапирди. Шунингдек, Олий Мажлис Раиси Ўзбекистон билан ЕХҲТ ўртасида минтақавий хавфсизлик, демократия ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, экология бузилишининг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган самарали ҳамкорлик ҳақида тўхталди.

Олий Мажлис Раиси ушбу семинарнинг нафақат Марказий Осиё ва Кавказ минтақаси, балки бошқа минтақалардаги мамлакатлар учун ҳам бирдек муҳим аҳамият касб этишини таъкидлар экан, Ўзбекистон ялпи хавфсизликни таъминлашга қаратилган барча ҳаракатларга хайрихоҳ эканини таъкидлади. Маълумки, яқинда мамлакатимиз пойтахтида Президент Ислом Каримов ташаббуси билан «Марказий Осиё -- ядро қуролидан холи зона» мавзуида йирик халқаро конференция бўлиб ўтган эди. Мазкур семинарни ўтказишдан кўзда тутилган асосий мақсад ҳам минтақавий хавфсизликни таъминлаш, бу борада халқаро ҳамкорликни янада фаоллаштиришдир.

Семинарнинг биринчи мажлисида «Минтақавий хавфсизлик ва сиёсий масалалар», «Минтақавий хавфсизлик ва иқтисодий ҳамда ижтимоий масалалар» мавзуларида маърузалар тингланди, билдирилган фикр-мулоҳазалар юзасидан баҳс-мунозаралар ўтказилди.

Халқаро семинар давом этмоқда.

**(ЎзА)**

### *СЎЗ — АНЖУМАН ҚАТНАШЧИЛАРИГА*



**Брюс Жорж,**
**ЕХҲТ Парламент Ассамблеясининг 1-қўмитаси раиси:**

— ЕХҲТ парламент Ассамблеясининг кенгайтирилган бюросининг мажлиси айнан Тошкентда ўтаётгани бежиз эмас. Чунки мамлакатингиздаги сиёсий барқарорлик, иқтисодий потенциал минтақадаги етакчи куч сифатида жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин топмоқда.

Гўзал шаҳар -- Тошкентда ўтказилаётган ушбу анжуманда ЕХҲТга аъзо давлатлар парламентлари ўртасидаги ҳамкорликни янада жипслаштиришга, янги аср бўсағасида вужудга келган муаммоларни ҳамжиҳатликда бартараф этиш юзасидан фикрлашиб олишга имкон беради.

Умуман олганда, мазкур анжуман тинчлик, тотувлик, ўзаро хайрихоҳлик, минтақавий можароларга чек қўйиш истагидаги барча халқлар орзу-умидларини оқлашига хизмат қилиши лозим деб ҳисоблайман.



**Аҳмад Файзи Инжоиз,**
**Туркия парламенти аъзоси:**

—Анжуманнинг қардош халқ замини -- Ўзбекистонда ўтказилаётгани бизга катта шукуҳ бағишлайди. Ўзбекистон демократик тамойилларга оғишмай амал қилган ҳолда, умумий барқарорлик, яъни ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий барқарорликка эришаётир. Шу жиҳатдан мамлакатингизнинг Марказий Осиёдаги етакчи ролини алоҳида таъкидлашни истардим.

Агар бевосита «Марказий Осиё ва Кавказда минтақавий хавфсизлик ҳамда сиёсий, иқтисодий ва гуманитар масалалар» семинари хусусида тўхталсам, қўшни давлат парламенти аъзоси сифатида бундай тадбирларнинг тез-тез ўтказилиши тарафдоримиз. Чунки Марказий Осиё ва Кавказ минтақасидаги аҳволни тўла барқарор деб бўлмайди. Бу борада Ўзбекистон раҳбариятининг таклифларини қўллаб қувватламоқ лозим.

**Х. ЙЎЛДОШЕВ ёзиб олди.**

---

## ЧИРОҚЛАР СУБҲИДАМГАЧА ПОРЛАЙДИ

***Ўтган йилнинг айнан шу кунлари Андижонда дастлабки ҳосил карвонлари йўлга чиққан эди. Бу йилги мавсумни ўзгача кўтаринкилик, уюшқоқлик билан бошлаган вилоят пахта усталари кузнинг илк кунлариданоқ йиллик режаларини адо этмоқдалар. «Андижон технологияси»нинг шарофатини амалда исботлаган ўнлаб бригадалар, деҳқон-фермер хўжаликлари дастлабки довондан ўтган бўлсалар-да, ҳали далаларда ҳосил мўл.***

Қонлар эса беш кунда йиллик режани уддаладилар. 40 гектар ернинг ҳар гектаридан 29 центнердан «оқ олтин» олинди. Ҳосилнинг деярли барчаси юқори сифат билан қабул қилинди. Давлат буюртмасини барвақт уддалаган жамоа-

-- Бу йил пахта йили бўлди, -- дейди Балиқчи туманидаги Х. Эргашев номли жамоа хўжалигининг бригада бошлиғи Холжўра Тожибоев. -- Биринчи теримдаёқ 35 центнердан ҳосил йиғиштириб олдик. Қабул пунктларига 170 тоннага яқин пахта топширдик. Давлат буюртмаси 12 иш кунида бажарилди.

45 гектар майдонда пахтанинг «Фарғона-3» навини етиштирган жамоа йиғим-теримга уюшқоқлик билан киришди. Теримчилар ўртасида пахтанинг тез ва сифатли йиғиштириб олиниши бўйича мусобақа йўлга қўйилди. Шахзода Дармонова, Майрамхон Абдуллаева сингари кўпминг-килограммчилар мавсум пешқадамлари бўлиб қолдилар. Улар терган пахтасининг миқдорига қараб, ҳар беш кунда нақд пул олмоқдалар. Илғор теримчилар ҳозирнинг ўзидаёқ 12-15 минг сўмдан иш ҳақига эга бўлдилар.

Зафар маррасини эгаллаганлар сафи кенгайиб бормоқда. Марҳамат туманидаги Т. Мирзаев номли жамоа хўжалигидан Ҳасанбой Ғаниев, Маҳбубжон Абдураимов бошлиқ бригада пахтакорлари ҳам 28-30 центнердан хирмон уюшиб дастлабки маррадан ўтдилар. Қўрғонтепа туманидаги «Савай» қишлоқ хўжалик саноат уюшмасининг Саодатхон Нурматова етакчилигидаги деҳқонлар эса беш кунда йиллик режани уддаладилар...

ларда 40 центнерлик марра учун қизғин кураш кетаётир.

Шу кунларда вилоятдаги қишлоқ кўчалари ҳар қачонгидан серқатнов. Айниқса, оқшомдан сўнг ўзгача жонланиш, файзу тароватнинг гувоҳи бўласиз. Бойлик юкланган автомашиналар, уч-тўрт прицепни ўз ортидан эргаштирган тракторларнинг кўзни қамаштирувчи ёғдулари тун зулматини тилиб ўтади. Ана шу ёғдулар, пахтани қайта ишловчи корхоналар, қабул пунктларини чароғон қилиб турган чироқлар субҳи-содиққа қадар ўчмайди.

**Ш. ОДИЛЖОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

## ҲУҚУҚШУНОСЛАР УЧРАШУВИ

***Адлия вазирлигида мамлакатимизга ташриф буюрган белгиялик ҳуқуқшунослар билан ўзбекистонлик юристлар ўртасида учрашув бўлиб ўтди.***

Мазкур учрашув Европа Иттифоқининг Тасис дастури доирасида ўтказилди. Уни Тошкент давлат ҳуқуқшунослик институти ва Европа сиёсати институти ҳамкорликда ташкил этди.

Маълумки, Ўзбекистон мустақилликка эришгач, барча соҳалар, жумладан, қонунчилик ва ҳуқуқшунослик соҳасида ҳам катта ўзгаришлар жараёни бошланди. Мамлакатимизда ҳуқуқий таълимни ривожлантириш, соҳа вакилларининг малакасини ошириш, уларнинг савиясини жаҳон андозалари даражасига етказиш борасида кўп ишларни амалга ошириш лозимлигини ҳозирги кунда ҳаётнинг ўзи тақозо этаётгани ҳеч кимга сир эмас. Республикамизда бу борада аниқ дастурлар ишлаб чиқилиб, уларни ҳаётга татбиқ этиш борасида катта ютуқлар қўлга киритилмоқда. Яқинда Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан республика Адлия вазирлиги қошида ташкил этилган ҳуқуқшунослар малакасини ошириш маркази ҳам фикримизнинг далилидир. Шунингдек, мазкур соҳани ривожлантириш мақсадида халқаро институтлар ҳамда хорижий давлатлар ҳуқуқшунослари билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилмоқда, ўзаро тажриба алмашилмоқда. Адлия вазирлигида ўтган мазкур мулоқот ҳам шулар жумласидандир.

Белгиялик ҳуқуқшунослар ҳафта давомида республикамизнинг адлия, суд, нотариал идораларида бўлиб, соҳа вакиллари билан учрашади, ўзаро тажриба алмашадилар.

**(ЎзА)**

• *ХАЛҚАРО КОНГРЕСС ОЛДИДАН*

# ЮРАКНИ АСРАГАН УЗОҚ ЯШАЙДИ

***Шу йил 25 сентябрь куни республикамиз пойтахтида Марказий Осиё давлатлари кардиологларининг III-конгресси ўз ишини бошлайди. Ҳар жабҳада тараққий этаётган давлатимизда бўлиб ўтаётган йиғинларнинг барчаси моҳияти жиҳатидан беқиёсдир. Инсон саломатлиги йўлидаги саъй-ҳаракатлар бугунги кунда баркамол авлод келажаги учун мислсиз аҳамиятга эга. Мазкур йиғин олдидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш учун Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Равшан СУЛТОНОВга мурожаат қилдик.***

**— Равшан Тўлаганович, Кардиологлар Конгресси мамлакатимизда мунтазам равишда ўтказилиб турилади. Анжуманда қатнашадиган Марказий Осиё олимлари шу соҳадаги ўзгаришлар борасида ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашиши табиий.**

— Энг аввало, кардиологлар Конгресси мунтазам равишда ўтказиб турилиши нақадар зарурлигини қайд қилмоқчиман. Аҳамият қилган бўлсангиз, баъзи мутахассисларимиз беш йилда, баъзилари уч-тўрт йилда, кардиологларимиз эса ҳар икки йилда учрашиб туришади. Чунки юрак-томир касалликлари бўйича вазият кескин ўзгаряпти. Юқумсиз сурункали касалликлар орасида бу хасталик энг кўп тарқалгандир.

Статистик маълумотларга кўра, ривожланган давлатларда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам юрак-томир хасталиклари туфайли ҳаётдан кўз юмаётганлар кўпчиликни ташкил қилади. 1996 йилги маълумотларга кўра, шу гуруҳ касалликлари республикамиз миқёсида ногиронликнинг учдан бир қисмини ташкил қилади. Кўриниб турибдики, олимларимизнинг бу борада тез-тез йиғилиб ва амалий изланишлар бўйича фикр алмашиб туришига тўлиқ асос бор.

**— Сизнинг изоҳингиздан сезиляптики, юрак-томир касалликлари бўйича аҳвол унчалик яхши эмас. Демак, кўрилаётган чора-тадбирлар ҳам шунга яраша деб тахмин қилсак бўладими? Беморларга қаерларда ва қай тарзда ёрдам кўрсатилади? Бу борада амалий тиббиётнинг тутган ўрни қандай?**

— Саволингиз жуда ўринли. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишда маҳаллий муассасалар, вазирлигимиз, қолаверса, олимларимиз томонидан ўтказилаётган чора-тадбирлар барибир ўз самарасини беряпти.

Балки ҳозирги кунда қилинаётган ва айниқса, амалга ошган ишларни кўз-кўз қилишга ҳожат йўқдир, лекин борини айтмаса ҳам бўлмайди.

Ҳозирги пайтда кардиолог мутахассисларнинг кўпчилиги олий ёки биринчи тоифадаги шифокорлардир. Республикамизнинг барча вилоятларида кардиологик диспансерлар ташкил қилинган. Вилоят, шаҳар ва туман касалхоналари таркибида 50 га яқин кардиологик бўлимлар мавжуд. Агар диспасерларни ҳам ҳисобга олганда жами 4900 дан ошиқ ўринни ташкил этади. Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, собиқ иттифоқ давридаги касалхоналардаги ўринларни мумкин қадар кўпайтириш керак деган фикрдан воз кечиб, аҳолига амбулатория, поликлиникаларда ёрдам кўрсатиш ва кенгайтиришга кўпроқ эътибор бериш мақсад қилиб қўйилди. Шу боиски, поликлиникалар қошида кўплаб кундузги стационарлар, махсус марказлар очилди.

Натижада касалхоналардаги кардиологик ўринлар 1200 тага қисқартирилиб, беморлар учун шарт-шароитлар, тиббий асбоб-ускуналардан тўлароқ фойдаланиш, баъзи муолажаларни кенгроқ қўллашга имкониятлар туғилди. Умуман, кардиология соҳасида аҳолига ёрдам кўрсатиш бироз яхшиланди. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун фақат бир икки мисол келтирсак кифоя қилади. Кейинги 5-10 йил ичида юрак-томир касалликларини ўз вақтида аниқлаш ва даволаш йилига 10 фоизга кўпаймоқда, миокард инфарктидан касалхоналардаги ўлим кўрсаткичи эса 30,5 фоиздан 17-18 фоизгача пасайди.

**— Демак, бизнинг республикамизда аҳолига ёрдам кўрсатадиган махсус кардиологик тизим яратилган. Айтинг-чи, шу тизимнинг ҳамма босқичлари тўла ишлайдими? Вилоятлардаги вазият бир хилми?**

— Йўқ, албатта. Агар Самарқанд, Бухоро, Хоразм вилоятларида кардиологик хизмат яхши йўлга қўйилган бўлса, Жиззах, Сурхондарё ва Навоий вилоятларида ҳали ҳам юрак-томир касалликларига дучор бўлганларнинг сони ва хасталиклар таркиби аниқланган эмас.

Навоий, Сурхондарё вилоятларида диспансер ташкил қилиш учун эндигина бино ажратилди, бу ердаги мутахассисларнинг сони ҳам, сифати ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Бундай вазиятга чек қўйиш учун, вазирлигимиз ва кардиология илмий-текшириш институти барча чора-тадбирларни амалга оширяпти. Маҳаллий раҳбарият ҳам масаланинг моҳиятига тўла етиб боради,деб ўйлайман.

Очиқчасига гаплашсак, умуман, аҳолини дори-дармонлар билан таъминлашда муаммолар ҳам йўқ эмас. Бозор иқтисодиёти шароитида бу масалани «идора» қилишнинг ўзи бўлмайди. Лекин вазирлигимиз баъзи масалаларда қатъий турибди.

Кўпчилик дорихоналарда нитроглицерин, нитросорбит, валидол, валокардин каби кенг фойдаланиладиган дориларни бемалол ва унчалик қиммат бўлмаган нархларда харид қилиш мумкин. Ўндан зиёд хилдаги кардиолог дори-дармонларни республикамиз фармацевтика корхоналари ишлаб чиқармоқда.

Кўпгина хорижий фирмалар гуманитар ёрдам кўрсатиб туришади. Келгуси йилнинг бошида бу диспансерлар ҳам ишга тушиб кетади.

**— Аҳолига кардиологик ёрдам кўрсатишда республикамиз олимларининг ҳиссаси тўғрисида ҳам тўхталиб ўтсангиз...**

— Бир сўз билан айтганда, уларнинг ҳиссаси катта. Буни шартли равишда икки йўналишга бўлиш мумкин: илмий изланишлар ва амалиёт тизимига бевосита ёрдам кўрсатиш...

Шу кунларда кардиология илмий-текшириш институтининг иш бошлаганига 21 йил тўлади. Ўтган вақт ичида институт ходимлари республикамизнинг бошқа олимлари билан ҳамкорликда асосий кардиологик хасталикларнинг (хафақон ёки гипертония, юрак ишемик касаллиги, миокард инфаркти) аҳоли орасида тарқалишини ва уларни юзага келтирадиган асосий омилларни ўрганиб чиқишди. Масалан, меҳнатга қобилиятли аҳолининг 15 фоизи гипертония касаллиги, 8-10 фоизи эса юрак ишемик касаллиги билан оғриши ва бу хасталикларга дучор бўлганларнинг 50 фоизи чекиши, 20 фоизининг вазни меъёридан оғирлиги ва 15 фоизининг қонида холестерин миқдорининг ортиқчалиги аниқланди. Бу хасталикларни аҳоли ўртасида деярли икки баробар камайтириш шу касалликлар туфайли меҳнат қобилияти йўқолишини 25 фоизгача, ўлим кўрсаткичини эса деярли 1,5 баробар пасайтириш мумкинлиги исботланди. Бунинг учун «Ўзбекнефтгаз» концерни ва баъзи саноат корхоналарида («Подъемник» заводи), ҳамда қишлоқ аҳолиси (Тошкент вилояти) орасида илмий-текшириш ва махсус даволаш ишлари олиб борилди.

Институтнинг клиник бўлимида олиб борилаётган ишлар ҳам диққатга сазовордир. Айниқса, миокард инфарктига, юрак аритмиясига турли хил, жумладан, республикамизда тайёрланадиган (экдистен, олигвон, глирофарм, аллапинин, аклезин) дориларининг таъсирини ўрганиш бўйича самарали изланишлар олиб борилди. Институтда 14 олим докторлик ва 36 киши номзодлик диссертацияларини муваффақият билан ёқлашди. Ҳамдўстлик ва узоқ хорижда бўлиб ўтган илмий анжуманларда юз марта қатнашиб, Ўзбекистон кардиологияси ютуқларини намоён қилишди. 52 изланиш натижаси кашфиёт деб топилиб, тегишли ёрлиқлар билан ҳимояланди. Чоп этилган 10 монография, 63 услубий қўлланма ва 1000 га яқин мақолалар кардиология фанининг ривожига ҳисса бўлибгина қолмасдан, шифокорларимизга амалий қўлланмалар сифатида хизмат қилмоқда.

Институтда бир неча бор кардиологлар учун ва айниқса, вилоятларнинг бош мутахассислари учун амалий семинарлар ўтказилган. Тажрибали ва етук олимлар вилоят диспансерларини оталиққа олишган бўлиб, методик ва маслаҳат ёрдамларини бериб туришибди.Иккита Тошкент тиббиёт, педиатрия, врачлар малакасини ошириш, Андижон ва Самарқанд тиббиёт институтлари олимларининг бу йўналишдаги хизматлари ҳам катта. Уларнинг амалиёт тизимига кўрсатаётган ёрдами ҳам алоҳида ўрин тутади. Бу борада Андижон кардиология марказида олиб борилаётган ишлар айниқса, диққатга сазовордир. Улар кардиодиспансер ходимлари билан биргаликда юрак-томир хасталикларини, айниқса, қишлоқда истиқомат қилувчи аҳоли орасида келиб чиқиш сабабларни ўрганиб махсус «профилактика» дастурини тавсия қилишган.

Лекин шуни қайд қилиш керакки, кардиология тизимига методик ёрдам кўрсатиш асосан илмий текшириш институти зиммасидадир. Институт ходимлари вазирлигимиз билан биргаликда кардиология тизимига кирувчи тиббий муассасаларнинг ишлаш дастурини яратишди.

**— Марказий Осиё давлатлари кардиологларининг III конгрессидан қандай натижалар кутяпсиз. Республика кардиологик хизматининг келажаги ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз. Конгрессда Марказий Осиё давлатларидан ташқари Россия, Украина, Белоруссия, Озарбойжон давлатларининг етук кардиолог олимлари ҳам иштирок этиш истагини билдиришган. Демак бизнинг шифокорларимиз жаҳон кардиологиясида эришилган ютуқлар, янгиликлар билан бевосита танишиш имкониятига эга бўлишади.**

— Мутахасисларимиз билимининг бойиши, албатта тиббиёт тизими хизматини яхшилаш учун муҳим аҳамиятга эга.

Келгуси режалар ҳам катта, мисол тариқасида айрим масалалар устида тўхталиб ўтаман.

Биринчидан, республикада олиб борилаётган барча изланишлар мужассамлаштирилиб асосий йўналишлар ажратиб олинади. Шу мақсадда вазирлигимизнинг илмий кенгаши қошида « Кардиология муаммолари» комиссияси тузилиб, ўз ишини бошлади.

Иккинчидан, 2000 йилгача жами кардиолог шифокорлар малакасини оширишлари кўзда тутилган.

Учинчидан, кардиология фанини ва амалий хизмат тизимини янада ривожлантириш учун уларнинг моддий, техникавий базаси мустаҳкамланади. Жумладан, республика кардиология маркази биноси қуриб ишга туширилади. Суҳбатимиз асносида тиббий оқартув вазифалари ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман.

Масала шундаки, кардиология институти ходимларининг фикрига кўра, юрак-томир хасталикларининг хавфи ҳамда уларни келтириб чиқарадиган омиллар ҳақида аҳолининг 20-25 фоизи хабардор экан. Рўйхатга олинган беморларнинг 55 фоизидан кўпроғи эса қандай хасталикка чалинганлигини билишмайди. Узлуксиз ва ижобий самарага эришгунга қадар даволанадиган беморлар 10-15 фоизнигина ташкил қилади. Ҳатто миокард-инфарктига дучор бўлган беморларнинг фақат учдан бири касалхоналарга мурожат этади. Ҳар ҳолда статистик маълумотларга қараганда, касалхонага етиб келмаган шу тоифадаги беморлар ўлими 60 фоизгача етиб борар экан.

Кўриб турибсизки, кардиологлар, умуман, тиббиёт ходимлари нафақат даволаш ишларини кўнгилдагидек бажариши, балки аҳоли ўртасида тушунтириш ва тарғиботни юқори даражада олиб боришлари керак.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Қўчқор НОРҚОБИЛ**
**суҳбатлашди.**

• *МАЪНАВИЯТ ВА ИҚТИСОДИЁТ*

# БУГУН НЕЧА САВОБ ЁЗИЛДИ?

***Истиқлол. Шу биргина сўз замирида инсоннинг азалий орзу умидлари, армону изтироблари мужассам. У озодлик ва ҳурлик, тенглик ва ҳуқуқ берди бизга. Президентимиз таъкидлаганидек, истиқлол ўз тақдиримизни қўлга олиш, ўзлигимизни англаш, миллий қадриятларни, урф-одатларимизни тиклаш, ҳаммамиз учун мўътабар шу заминда, ҳар бир хонадонда тинчлик-осойишталикни, барқарорликни сақлаш, Ватанимизда адолат, инсоф, дину диёнат, меҳру оқибатни қарор топтиришдир.***

Иқтисодий мустақиллик эса айни шу истиқлолнинг бир қанотидир. Унга эришилмас экан, олға қадам ташлаб бўлмайди. Мустақил давлат сифатида кенг тармоқли йирик саноатимизга, ташқи иқтисодий алоқалар ривожи учун муайян тизимга эга бўлмасак, озодликнинг маъноси кемтик бўлиб қолади. Собиқ советлар даврида юртимиз хомашё базасига айлантирилган, мустақил темир, автомобиль йўлларига эга эмасдик, борига ҳам эгалик қилолмасдик. Бугун эса узунлиги 223 километр бўлган Ғузор-Бойсун-Қумқўрғон, 343 километрлик Навоий-Учқудуқ-Султон Увайс-Нукус магистраллари, Хитой ва Покистонга олиб борадиган Андижон-Ўш-Эргаштом-Қашқар, шунингдек, Бухоро-Сарахс-Машҳад-Теҳрон ва Термиз-Ҳирот-Қандаҳор-Карочи автомобиль йўлларининг қурилиши узоғимизни яқин, мушкулимизни осон қилиш билан бирга, иқтисодиётимизга ҳам катта фойда келтиради.

Лекин мамлакатимизда шундай кенг кўламли ўзгаришлар юз бераётган бир пайтда, боғлаб қўйилган от арқони ечиб юборилганидан кейин ҳам қозиқ атрофидан кетолмаганидай, баъзиларда гоҳо қадр эмас, қорин ташвиши кучайиб бораётганга ўхшайди. Чунончи, миллий валютамизни инобатга олмай, ривожланган мамлакатлар, хусусан, АҚШ валютасига ишқибозлар кўпайиб бормоқда. Ички бозорда бошқа мамлакат валютасини ишлатиш ўзга мамлакатлар иқтисодига хизмат қилишини унутмайлик. Бу ўринда гап АҚШ долларининг қаерда, қанчага сотилишида эмас, балким ниманинг ва кимнинг ҳисобига сотилишидадир. Бизнинг мақсадимиз ҳалол ишлаб, келажакни фаровон этишдир. Кимдир фақат бугунни ўйларкан, бундай «ўзим бўлай»лар биз билан маслакдош эмас, улар давлатимизнинг иқтисодий сиёсатини мутлақо тушунмайдилар. Шунинг учун ҳам истиқлол менга нима берди, деб эмас, аксинча, мен истиқлолга нима беряпман, унинг мустаҳкамланишига қандай ҳисса қўшаяпман, деб яшашга одатланмоғимиз керак.

«Қизил империя» даврида ишлаб-ишламай, жамият ҳисобига ҳаёт кечиришга ўрганиб қолгандик. Ахир ерга ишлов бермасангиз, уруғ экмасангиз, ғойибдан нарса ўсиб чиқмайди-ку?!

Ҳар қандай истиқлол, хоҳ якка шахснинг, хоҳ бир гуруҳнинг, хоҳ мамлакатнинг истиқлоли бўлсин, муқаррар равишда иқтисодий мустақилликни тақазо қилади. Дарвоқе, XIX асрнинг II ярмида Чор империяси ўлкамизни босиб олганида, Туркистон иқтисодиётининг чоризм иқтисодиётидан анча орқадалиги унинг тобеликка тушишининг асосий сабабчиси бўлган.

Бугунги иқтисодий ривождан кўзда тутилган мақсад, осуда ва фаровон ҳаёт яратиш, халқнинг маънавий-аҳлоқий даражасини кўтариш ҳамда иқтисодий, ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашдан иборат. Хусусийлаштиришни ва рақобатчилик муҳитини шакллантириш жараёнларини чуқурлаштириш, макроиқтисодий барқарорликка эришиш, миллий валютани мустаҳкамлаш, нефть ва ғалла мустақиллигига эришиш, иқтисоднинг таркибий структурасини тубдан ўзгартириш, ижтимоий кафолатлари кучли бўлган демократик давлатни шакллантириш бош иқтисодий вазифа қилиб белгиланган. Ушбу вазифаларни маънавияти юксак халқгина уддалайди. Бошқача айтганда: истиқлол самараси маънавият билан иқтисодиётнинг муштараклигида намоён бўлади.

Президентимиз Ислом Каримов республика Фанлар Академиясининг умумий йиғилишида шундай деганди: «Агар иқтисодий ўсиш, тараққиёт -- жамиятимизнинг танаси бўлса, маънавият-маърифат ва сиёсий онг етуклиги унинг руҳи, ақли ва жонидир». Демак, маънавият иқтисодиёт тушунчасидан алоҳида ажратиб олинмайди, аксинча, ҳар жиҳатдан иқтисодга бевосита алоқадор. Агар таъбир жоиз бўлса, жамиятнинг моддий асоси -- иқтисодиёт, руҳий асоси -- маънавиятдир.

Иқтисодиётни ислоҳ қилишдаги беш тамойилнинг ҳаммасида маънавият руҳи яққол сезилади. Фақат иқтисодий механизмлар жамиятнинг маънавий даражасига, маънавий қашшоқликнинг эса иқтисодиёт ривожига салбий таъсир кўрсатишига йўл қўймаслик керак. Шахсий манфаатдорлик элу юртга наф келтириш асосида қурилмаган бўлса, шахснинг бойишидан жамият бойимаса, маънавий муҳит чекланиб қолади.

Эрталаб ҳар қайсимиз уйдан чиқишда кун бўйи ҳеч бўлмаса битта савоб иш қилишга бел боғламас эканмиз, маънавий ва иқтисодий салоҳиятимизнинг бақувват бўлиши амримаҳол.

Калом фалсафасида айтиладики, ҳар бир савоб иш қилиш ҳақидаги ниятнинг ўзигаёқ бир савоб ёзилади, агар савоб иш амалга оширилса-чи, ўн савоб ёзилади.

Йўлбошчимизнинг «Савоб ишни ҳар куни қилиш керак, савоб ишни ҳар ким қилиши керак», деган даъватининг маънавий моҳияти ниҳоятда улуғлиги ҳам шундан.

**Ашур ҚОДИРОВ,**
**иқтисод фанлари доктори.**

• *ҲУНАРИ БОРНИНГ ОМАДИ БОР*

# НИЯТЛАРИ ЁРУҒ ЙИГИТЛАР

***-- Мустақил ҳаётга қадам қўйиш арафасида турган ёшларнинг умидларини, касб-ҳунар ўрганиш ёки ўқишни давом эттиришга мойиллигини сезгирлик билан илғаб олиш, уларга тўғри йўл кўрсатиш, ўрни келганда, қўллаб-қувватлаш керак, -- дейди «Камолот» ёшлар жамғармаси Андижон вилоят бўлимининг раиси Содиқжон ЮСУФОВ.***

-- Бир таклиф билан келдим. Маъқулласангиз бошимиз осмонга етади, -- салом-аликдан кейин дангалига кўчди Нўъмонжон.

-- Борди-ю, бизга маъқул бўлмаса-чи?

-- Унда зоримиз бор зўримиз йўқ, — кулимсиради Нўъмонжон.

Саркотибга суҳбатдошининг очиққўнгиллиги, дадиллиги ёқди: бу хилдаги йигитлар билан ишласанг доғда қолмайсан, мард, бир сўзли, таваккалчи бўлишади.

-- Юмшоқ мебеллар ишлаб чиқарадиган, эскиларини таъмирлайдиган иккита цехимиз бор. Ўша цехни Асакада тайёрланаётган «Нексия», «Дамас», «Тико» автомобиллари учун ғилофлар, оёқ остига солинадиган ҳар хил тўшалмалар ишлаб чиқаришга мослаштирмоқчимиз.

-- Жуда соз, -- кўнгли ёришди саркотибнинг. -- Лекин хомашё масаласида қийналиб қолмасмикинсизлар? Ўзларингга маълум, автомобилларимиз ўта замонавий, чиройли. Уларни сотиб оладиганларнинг талаби ҳам, диди ҳам ўзига яраша.

-- Бу ёғини бизга қўйиб беринг. Маҳсулотимиз харидоргир бўлсагина ишимиз ривож топишини яхши биламиз. Чеварларимиз ҳам анойи эмас.

-- Демак, келишдик, -- керакли ҳужжатларни ходимларимиз тайёрлаб беришади.

Орадан бир ой ўтиб-ўтмай Нўъмонжон Сабиохунов яна янги таклиф билан кириб келди.

-- Саёҳат бюроси ташкил этмоқчиман, -- деди у. -- Бироқ тижорат учун эмас. Тенгқурларимни аввало ўзимизнинг мамлакатимиз шаҳарлари билан яқиндан таништирмоқчиман.

-- Масалан?

-- Бухоро, Самарқанд, Хива шаҳарларини кўришсин, табаррук қадамжоларни зиёрат қилишсин. Кўча кўрган, юрт таниган бошқада, раис!

Андижон туманининг чекка қишлоғида «Камолат тур» фирмаси очилди. Янги иш ўринлари вужудга келди. Жамғарма билан фирма ўртасидаги ҳамкорлик ҳар томонлама фойдали бўлаяпти.

-- Президентимиз Андижонда бўлганида, -- дея ҳикоя қилади саркотиб, -- ёшларни иш билан таъминлаш масаласига алоҳида тўхталиб, жумладан шундай деди: **«Аҳолини иш билан таъминлашдек кескин муаммони ечиш учун биринчи навбатда кичик ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий ҳунармандликни қўллаб-қувватлаш, мураккаб вазиятлар юзага келганда эса, маҳаллий шароитларни эътиборга олган ҳолда, янги-янги имкониятларни излаб топиш ҳисобига ҳал этиш зарур».**

Биз юртбошимизнинг ана шу дастурона йўл-йўриқларини, кўрсатмаларини фаолиятимизнинг асосий мезони, деб билдик. Жойларда, айниқса, аҳоли зич бўлган қишлоқларда кичик корхоналар, фирмалар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Айни пайтда жамғарма ҳомийлигида 35 та кичик корхона ва фирма фаолият кўрсатмоқда. Уларда 330 нафарга яқин йигит-қиз меҳнат қилади.

Андижон туманидаги Улуғбек Исмоилов раҳбарлик қилаётган «Камолот алп» кўп тармоқли ҳиссадорлик жамияти хусусида илиқ гаплар айтиш мумкин. Бу ерда меҳнат қилаётган ёшлар хориждан келтирилаётган товар, матоҳларни олиб сотишни эмас, балки халқнинг талаб ва истаклари асосида маҳсулот ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйдилар. Ҳозир улар ички бозорда тақчил бўлган оҳак пиширмоқдалар, пишиқ ғишт тайёрлашмоқда.

Андижон шаҳридаги бир қанча кичик корхоналарда ишлаётган ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаётган ёшлар тери ошлаш, миллий ҳунармандчилик, тикувчиликка эътибор қаратаётган бўлсалар, асакалик, хонободлик йигит-қизлар макарон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни, қандолатчиликни йўлга қўйдилар. Қорасув шаҳрида эса пайпоқ тўқиш цехи ишлаб турибди.

Шунингдек, жамғарма ёшларнинг маънавий жиҳатдан баркамол инсон бўлиб улғайишлари, шарқона одобни, умуминсоний қадриятларни ўзида мужассам этишлари йўлида ҳам маълум ишларни амалга оширмоқда. «Маърифатнома», «Саодатнома» каби қатор туркум учрашув, суҳбатлар ўтказиляпти.

«Маҳалла» хайрия жамғармаси ва хотин-қизлар қўмиталари билан ҳамкорлик фаолиятимиз қамровини кенгайтирмоқда. Жумладан, вилоят халқ таълими бошқармаси билан биргаликдаги «Тарбиячи-97» кўрик-танлови «Камолот»нинг бир йиллигига бағишланди.

Шуни ҳам айтиш керакки, ижтимоий муҳофаза, ёшларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, улар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш масалаларига ҳам фаол ёндошилмоқда. Жамғарма бўлимлари томонидан оилавий шароити оғир, ота-онасиз, ногирон, меҳнатга яроқсиз ўсмирларга ғамхўрликлар кўрсатилаяпти. Андижон, Хонобод шаҳарлари, Жалолқудуқ тумани бўлимлари томонидан Афғонистонда ҳалок бўлган йигитларнинг оилаларидан, шунингдек, болаликдан мажруҳ бўлган 42 нафар бола ҳолидан мунтазам равишда хабар олинмоқда.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ХАБАРЛАР ОҚИМИ

### ХОРАЗМДАН--ШВЕЙЦАРИЯГАЧА

Вилоятда бугунгача 10 га яқин хўжалик пахта тайёрлаш бўйича давлат буюртмасини бажарди. Режани қарийб 80 фоиз уддалаган «Дўстлик» шаҳри ва Шовот тумани пахтакорлари воҳадагина эмас, балки мамлакатда биринчилардан бўлиб, зафарномага имзо чекишга шайланмоқдалар.

Мавжуд 11 та пахта тозалаш заводининг барчаси бу йилги ҳосилни қайта ишлашга киришди. Ишлар кечаю-кундуз тинимсиз давом этаяпти. Биринчи галда уруғлик ҳосил қайта ишланиб, ундан олинган чигит махсус ҳозирланган омборларга жойланмоқда.

Куни кеча 1997 йилнинг илк ҳосилидан олинган толани хорижга экспорт қилиш бошланди. Бу ишни Янгиариқ пахта тозалаш заводи жамоаси бошлаб берди. Дастлабки 150 тонна юқори навли тола узоқ Швейцарияга жўнатилди. Вилоят корхоналари биргина сентябрь ойининг ўзида бу мамлакатга 2000 тоннадан кўп тола жўнатади. Хоразмнинг серқуёш заминида етиштирилган мўл, сифатли ва мустаҳкам пахта толасига Англия, Франция, Бельгия, Корея ва Польша каби давлатлардан ҳам кўплаб буюртмалар олинган.

**А. СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### ҒАЙРАТЛИ ҲАЗРАТ БОБО

Соч оқаргани билан юрак қаримайди, дейдилар. Халқимизнинг бу ибратли сўзида жон бор. Умрини деҳқончиликка бағишлаган Ҳазрат бобо Облоқуловнинг ёши етмишдан ошган бўлса-да, даласидан кўнгил узгани йўқ. Оқсоқол эрта баҳордан Ғиждувон туманидаги Садриддин Айний номидаги жамоа хўжалигининг 6-бригадасидан 0,55 гектар ер олиб плёнка остига чигит экди.

Сентябрнинг дастлабки кунларида шу майдоннинг очилган пахтаси териб олинди. Қарангки, дастлабки натижалар чакки бўлмади. Биринчи теримдаёқ ҳосилдорлик 44 центнерга етди. Мутахассислар Ҳазрат бобонинг далаларидаги қолган ҳосилни чамалаб ҳосилдорлик 70 центнердан ошади, деган хулосага келдилар.

**М. ОТАБОЙ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

• *СУРАТЛИ-АЙБНОМА*

# «ТУЯ ГЎШТИ ЕГАН» ҚУРИЛИШ

***Андижон вилоятининг Шаҳрихон туманида 1990 йилда яхши орзу ниятлар билан бахмал ишлаб чиқариш фабрикаси қурила бошланганди. Мазкур саноат корхонаси тўла қувват билан ишга тушса йилига 5,2 миллион квадрат метр бахмал ишлаб чиқарилиб, нафақат республикамиз, балки бутун Марказий Осиё республикаларининг бу маҳсулотга бўлган талаби қондирилган, 1000 дан зиёд қишлоқ ёшлари иш билан таъминланган бўларди. Афсуски...***



Фабрика қурилиши 1994 йилда битказилиб, ишга тушириш режалаштирилганди. Бироқ иш чўзилганидан чўзилиб, орадан етти йил ўтибди ҳамки битмайди,Корхонани 20 минг квадрат метрдан иборат қисми томи ёпилганича турибди. Бу ерга келтирилган 60 фоиз инженерлик жиҳозларидан 10-15 фоизи қолди, холос. Қолганлари эса ишчиларга иш ҳақи тўлаш, банкларга турли солиқлар ўтказиш, ташкилотлар билан муомала юритиш мақсадида сотиб тугатилди. Шуниси ачинарлики, кейинги йилларда фабрика қурилишида тайинли бирон иш бажарилгани йўқ. Бинонинг битказилган қисми эса



йилдан йил ўтиб сифатини йўқотаётир.

Ҳукуматимизнинг саноатни қишлоққа олиб кириш, қўшимча иш ўринлари яратиш борасида кўраётган чора-тадбирлари барчага аён. Қолаверса, республикамизда ободончилик ва яратувчанлик кенг қулоч ёяётган бир даврда бу каби беғамликлар, «қора доғ»лар мутасадди раҳбарларни саволга тутмаяптимикин?



*СУРАТДА: «туя гўшти еган» қурилишнинг ташқи ва ички кўриниши.*

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

***Жиззахда экспорт ва кооперацияга кўмаклашув масалаларига бағишланган Ўзбекистон-Германия иқтисодий семинари бўлиб ўтди.***

# ГЕРМАНИЯЛИК ИШБИЛАРМОНЛАР ЖИЗЗАХДА

Семинарда вилоят иқтисодиётини барқарор ривожлантириш мақсадида қишлоқ хўжалиги, саноат, транспорт, қурилиш, туризм ва бошқа соҳаларда амалга оширилаётган ишлар, хорижий шериклар билан ҳамкорлик масалаларида сўз борди. Шунингдек, иштирокчилар вилоят ишбилармонлари билан германиялик тадбиркорлар ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтириш, кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан ҳам ўзаро фикр алмашдилар.

**Й. ЖЎРА,**
**ЎзА мухбири.**

## ● ЧЎЛПОН ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА

***Саудия Арабистонига бу йилги илмий сафарим уч ой давом этди. Унинг олтита шаҳарида бўлиб, муҳожир ватандошларимизнинг турли тоифалари -- олимлар, шоиру адиблар, айрим давлат хизматчилари ва тожирлар билан суҳбатлашишга тўғри келди. Суҳбат мавзуларимиз ҳам ҳар хил эди.***

Тоиф шаҳрида асли Қўқоннинг Бағдод туманидан бўлмиш олим ва шоир Абдураҳим Учқун яшайди. Мен у киши ҳақида дўстим шоир Тошқиндан кўп эшитган бўлсам ҳам, кўришолмаган эдим. Ниҳоят бу сафар учрашдик. «Андижон такияси»да бир неча кун давом этган суҳбатларимиз мавзуи асосан истиқлолимизни орзу қилиб, куйлаб ўтган муҳожир ўзбек шоирлари хусусида эди. Бир сафар Абдулҳамид Чўлпон ҳақида гап кетди. Учқун домла Чўлпонни кўрмаса ҳам, шеърларини кўп ўқиган, ижодидан хабардор экан. Мен ҳукуматимизнинг шоирнинг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарори, унинг номини абадийлаштиришга доир қатор хайрли ишлар ҳақида гапириб бердим. Учқун домла буларни эшитиб суюндилар ва кўнглидаги айрим мулоҳазаларини айтдилар. У кишининг фикрича, Чўлпоннинг Туркияда бўлган йилларини махсус ўрганиш керак. Зеро Истанбулда шоир ҳақида анчагина ишлар қилинган. Суҳбатдан менга бир нарса янгилик бўлди-ки, Закий Валидий Тўғоннинг Истанбулда нашр қилинган хотиралар китобида Чўлпон ҳақида анчагина хабарлар бор экан. Бироқ китоб Тоиф шаҳрида топилмади.

Шунингдек, Тоиф шаҳрида улуғ бобомиз Хожа Аҳмад Яссавий аждодларидан бўлмиш маърифатпарвар олим Шаҳобиддин Яссавий ҳам яшайди. У кишининг «Туркистон аччиқ ҳақиқатлари» номли китоби (1984й.) бундан учтўрт йил муқаддам айрим ёзувчиларимиз қўлига теккан. Бу сафар каминага ҳам ҳадя қилинди. Муаллиф бу асарида Туркистондаги миллий истиқлолчилик ҳаракати ва унинг фаоллари ҳақида яхши маълумотлар беради. Олим билан суҳбатларимизда Чўлпон ҳақида батафсилроқ гаплашдик.

Шуни айтиш керакки, Шаҳобиддин Яссавий олим ва маърифатли шахс, ўта мушоҳадали одам, мустақиллигимиздан бағоят хурсанд экан. Ўзим андижонлик бўлганим сабабли Чўлпоннинг киндик қони тўкилган шаҳардаги ишлардан гапириб бердим. Жумладан, Бобур номидаги халқаро жамғарма ташаббуси билан Чўлпон отилган ва жасади кўмилган ернинг тупроғидан олиб, Андижонда унинг рамзий қабри тикланаётгани, «Чўлпон боғи» ва музейи барпо қилинаётгани ҳақида сўзладим.

Чўлпон ҳақидаги яна бир суҳбатимиз Жидда шаҳрида истиқомат қилувчи ҳамюртимиз Ҳидоятилло ҳаким хонадонида бўлиб ўтди.

# БАХТИНГ ЮЛДУЗИ ЎЙНАБ ҚОЛАР

Аввало бу жанобни ўқувчиларга таништириб ўтай. Ҳозирги Асака билан Шаҳрихон ўртасидаги Тоштепа қишлоғидан бўлмиш Қудратиллохон тўра 1932 йили шўролар зулмига лаънатлар ўқиб, ҳижратга чиқиб кетган. Аввал Афғонистонда, сўнг Иорданияда истиқомат қилиб шу ерда вафот қилган. У кишидан «Ҳижрат тарихи» номли бир қўлёзма асар қолган. ( Биз ундан нусха олиб келдик) Айтишларича, у киши Чўлпон билан қадрдон бўлган ва Истанбулда бирга умргузаронлик қилган. Ҳидоятилло ҳаким унинг ўғли бўлади.

Чўлпондан гап кетиб эди, оналари Сафияхон ая ўғлига қараб: «Ҳидоятилло, дадангнинг Чўлпон ҳақидаги дафтарини меҳмон соҳибга кўрсат», -- деб қолди.

-- Дадаси раҳматли Чўлпон билан дўстона алоқада эдилар, ёшлари ҳам тенгқур бўлган, -- деди ая. Қўқон мухторияти қонга ботирилгач, бошқа кўплаб миллий қаҳрамонларимиз қатори улар ҳам руҳий азоб чекканлар. Чўлпонни у киши сўнгги марта Истанбулда кўрган ва бирга бўлишган.

Кампир билан суҳбат асносида ўғли Ҳидоятилло уйдан чоққина бир дафтарни олиб чиқиб, менга узатди.

Дафтар Қудратиллохон тўранинг қўлёзмаси бўлиб, арабча имлодалиги сабаб менинг ўқишим қийинроқ бўлди. Шунинг учун Чўлпонга дахлдор муҳим жойларини ўқиб беришни илтимос қилдим. Ҳидоятилло отаси кўчирган Чўлпон шеърларидан ўқиб берди. Лекин бу шеърлар менга таниш эди. Бирдан мен билмаган қуйидаги бандлар чиқиб қолди (Қудратиллохон кўчирмасида):

**«Эй, гўзал Фарғона, қонли кўйлагингдан**
**айланай,**
**Тарқалиб кеттан, қаро, ваҳший сочингта**
**боғланай...»**

Ҳидоятилло шу ерда дафтардан кўзини олиб деди:

-- Қиблагоҳимиз табъи назм бўлганлар. Шунинг учун дўстининг ушбу шеъридаги:

**«Ул баланд, зўр тоғларинг нега тўсолмас ёв**
**йўлин?**
**Йўқмидир ўткир қилич кесмакка ёвларнинг**
**қўлин? --**

деган бандига қуйидагича жавоб ёзганлар:

**«Бор эди ўткир қилич ёвларни кесмакка қўлин,**
**Иттиход-у, иттифоқни ифтирок этти фалак».**

(Ифтирок -- тарқатиб юбориш)

Бу билан Қудратиллохон «босмачилар» деб аталган истиқлолчилар ҳаракатидаги ноиттифоқликлар, ўзаро келишмовчиликларга ишора қилган. Ўғли Ҳидоятилло ҳам жуда ватанпарвар инсон. Отаси иштирок этган озодлик ҳаракатларини ихлос билан эъзозлаб ёдга олади. Отасининг дўсти Чўлпонга бўлган ушбу жавоб шеърини ўқиб, овози титради -- йиғлаб юборди. Ўртага ноқулай жимлик чўкди. Оналари ҳам кўз ёшларини арта бошлади, сўнг деди:

-- Ҳаммасига сабаб касофат шўро тузуми бўлди. Шу бўлмаганда бу саргардонликлар ҳам бўлмасди, ҳамшаҳарингиз Чўлпон ҳам «дод» деб кетмас эди.

Чўлпон ҳақидаги учинчи суҳбат Саудия Арабистони пойтахти Ар-Риёз шаҳрида ўтди. Бу ерда ҳамюртим Мўминжон Исмоилжон Андижоний истиқомат қилади. Мўминжон аканинг касби аслида тиш техниги бўлса ҳам ажойиб китобсевар, адабиётимиз мухлисидир. У кишининг китоб жавонида кўпгина ёзувчи ва шоирларимизнинг асарларидан намуналар бор. Жумладан, Абдулҳамид Чўлпоннинг бизда чоп қилинган тўла асарлари тўплами ҳам. «Халқ сўзи», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Туркистон», «Маърифат» газеталарига обуна бўлган.

-- Ўзимиз узоқда бўлсак ҳам Ватанимиз янгиликларидан воқиф бўлиб турмасак кўнглимиз қонмайди, -- дейди Мўминжон ака.

У киши билан Чўлпон ҳақида суҳбатлашар эканмиз, ҳукуматимизнинг шоир таваллудининг 100 йиллик юбилейи ҳақидаги қароридан ғоятда мамнун бўлганини айтди: қарорни аллақачон газетада ўқиган экан.

Шу онда Тоифда тилга олинган Закий Валидий Тўғон хотиралари ёдимга тушди. Буни қарангки, у Мўминжон ака кутубхонасида бор экан. (Истанбул, 1940 й.) Мезбон дарҳол китобни олиб Чўлпон ҳақидаги сатрларни топди. «Хотиралар» китобининг бир неча саҳифасида Чўлпоннинг суд қилиш жараёни келтирилган. Бунда терговчининг саволлари ва Чўлпоннинг жавоблари ёзилган. Афсуски, ушбу китобни сўраш ноқулай бўлди. (Китоб 1200 саҳифадан иборат) Лекин Мўминжон акамиз бир иложини қилишга ваъда берди, зеро шоиримиз ҳақида хорижда босилган маълумотларни кенг китобхонларга етказишни ўзлари тавсия қилди.

Сўнг мезбон урушдан кейин Истанбулда босилган «Туркистонда туркчилик ва халқчилик» номли шеърлар тўплами билан таништирди. Унда Чўлпон, Ойбек, Абай, Мағжон, Мунаввар қори, Беҳбудий, Мир Ёқуб Дўлан каби Марказий осиёлик шоирларнинг Ватан, озодлик ҳақидаги шеърларидан намуналар берилган. Тўпламда Чўлпоннинг бизда босилмаган айрим шеърларини учратдим. Жумладан, Қудратиллохон тўра бир бандига жавоб ёзган шеърини тўла кўчириб олдим. Мана унинг матни:

**«Эй, гўзал Фарғона, қонли кўйлагингдан**
**айланай,**
**Тарқалиб кеттан, қаро, ваҳший сочингта**
**боғланай.**
**Ваҳший бир ўрмон каби бағрингни**
**босмишдир қамиш,**
**Кўзларингда ҳеч кўринмас бир олов, ўт**
**ҳам ёниш.**
**Кенг, чўзиқ яйловларинг ёвларга очмиш**
**кўксини,**
**Бир қора парда босибдур тупроғингнинг**
**устини,**
**Кўзларинг сўнган, ўлик руҳинг билан**
**боқдинг менга,**
**Қутилишнинг юлдузи асло кўринмас-му**
**сенга?**
**Ул баланд, зўр тоғларинг нега тўсолмас**
**ёв йўлин?**
**Йўқмидир ўткир қилич кесмакка**
**ёвларнинг қўлин?**
**Биз бугун ожиз, заиф, бағри эзилган сен**
**учун,**
**Бу қадар қонлар тўкилди, ул даҳида сен**
**учун.**
**Йиғлама юртим, агарчи бу кунингда йўқ**
**баҳор,**
**Келгуси кунларда бахтнинг юлдузи ўйнаб**
**қолар.**

Шеърни кўчириб олганимдан сўнг Мўминжон ака «қани, бир ўқинг-чи», -- деди. Мен овозимни чиқариб ўқидим, у киши қулоқ солди. Қарасам кўзларини бир нуқтага тикканича хомуш ўлтирибди...

Шундай қилиб, Саудия Арабистонига қилган сафаримиз давомида жафокаш шоиримиз, истиқлол куйчиси Абдулҳамид Чўлпон ҳақида талай суҳбатлар бўлиб ўтди. Ватандошларимизда шоирга бўлган ҳурмат ва эътиқод жуда баланд. Зеро, бу ерда истиқомат қилаётган юртдошларимизнинг Ватандан жудо бўлишлари сабаби ва улуғ шоирнинг ижоди авжи гуллаган чоғда қатағон қилиниши сабабининг асл илдизи -- томири бирдир. Ватандошларимизнинг орзу-армонлари қалбларида, боболарининг хотираларида муҳрланган бўлса, шоир истаклари, орзулари унинг шеърларида муҳрланган. Шунинг учун Чўлпоннинг шўро тузумига қарши ёзилган шеърларини Арабистондаги дўстларимизнинг аксари ёддан ўқиб берадилар. Улар Ўзбекистонимизнинг мустақиллигини дилдан табриклаб олқишлар эканлар, Чўлпонни муросасиз ва софдил, қўрқмас ва жасур шоир сифатида беҳад қадрлашларини эътироф этдилар.

**Сайфиддин ҳожи ЖАЛИЛОВ.**

## ҒАРОЙИБОТЛАР САНДИҒИ

### АГАР...

*Инсон 70 йил умр кўрса, қарийб 23 йил ухлаб, 13 йил гапириб, 6 йил овқатланади, 1,5 йил ювинармиш.*

* * *

*Одам 70 ёшга тўлгунча 10000 литр сув, 1000 кг. ёғ, 7000 кг. нон, 2000 кг. гўшт, 4000 кг. балиқ, 5000 кг. картошка, 5000 та тухум, 3000 л. сут, 500 кг. қанд, 500 кг. туз, 1000 кг. мева-чева, сабзавотлар истеъмол қилар экан.*

* * *

*Юрагимизда кислородга бўлган эҳтиёж бошқа аъзоларимизга қараганда энг кам фоизни ташкил этишини ҳамма ҳам билавермаса керак.*

*Бош мия бутун томирга мўлжалланган кислороднинг 20-25 фоизини ютиши аниқланган. Мушакларга ва ичаклар фаолияти учун ҳам 25 фоиз кислород сарф бўлади. Жигар 12 фоиз, буйрак ва меъда 5-8 фоиз глюкоза сарф қилар экан. Юрагимиз фаолиятига эса 4-5 фоиз кислород ишлатиларкан.*

* * *

*Битта тахтача шоколаддаги қувват 3 соатлик кир ювишга етадиган энергия ҳажмини қоплар экан.*

**Р. РАСУЛОВА тайёрлаган.**

## ● ВАТАН ЁДИ

### ҲУРРИЯТ ҚУЧДИ СЕНИ

*Сени кўп соғинаман эрта-кеч, ҳар он Ватан,*
*Сен Ватаннинг ҳажрида менда кўп армон, Ватан.*

*Ҳуррият қучди сени, шод-ҳуррам бўлдим ажаб,*
*Қувончдан кўзларга ёш келди шул замон, Ватан.*

*Бир қучмоқ илинжида югурдим, қолди араб,*
*Тупроғинг тавоб айлаб ҳидладим райҳон, Ватан.*

*Мажнунтоллар ўтирмиш кокилу-сочин тараб,*
*Ҳуснидан кўз қамашар, Лайлидек жайрон, Ватан.*

*Дарди ҳижрон азоби тарк этди сўрсанг сабаб,*
*Висолинг бўлди малҳам, Камолга дармон Ватан.*

**Абдукамол РАҲМОНОВ.**

## ● ТЕАТР

# НИЛ БЎЙИДА ЯНГРАГАН «ЁР-ЁР»

***«Чимилдиқ» спектакли мамлакатимизда жуда машҳур бўлиб кетди. Ушбу асар намойиш этиладиган кунлари-ку Ҳамза театрига одам сиғмай кетади. Шундай чоғларда томоша залини тўлдириб ўтирган мухлисларга қараб, демак, яхши асар қўйилса, ҳар доим ҳам одамлар театрга келишаркан, деган ўй кечади хаёлингиздан... Қизиғи, мазкур саҳна асарининг довруғи давон ошиб, ҳатто эҳромлар ўлкасига ҳам етиб борди. Мисрлик театр мухлислари «Чимилдиқ»да мадҳ этилган ўзбекнинг тўй маросимларига хос бебаҳо миллий қадриятлар, урф-одатлар билан танишиб, санъаткорларимиз шаънига олқишлар айтишди.***

Гап шундаки, яқинда Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театрининг бир гуруҳ санъаткорлари Миср Араб Республикаси пойтахти Қоҳира шаҳрида бўлиб ўтган экспериментал спектаклларнинг халқаро фестивалида драматург Эркин Хушвақт асари асосидаги «Чимилдиқ» фольклор-этнографик томошаси билан иштирок этишди. Эркин аканинг сўзлаб беришича, ҳар йили сентябрь ойининг дастлабки ўн куни мобайнида анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган бу фестивалнинг кўлами ва нуфузи анча кенг бўлиб, унга дунёнинг турли чекkalаридан юзлаб театр санъати намояндалари ташриф буюришар экан. Хусусан, бу гал ҳам Америка, Европа, Осиё, Африка қитъаларининг жами қирқта давлатидан келган театр гуруҳлари ўз спектаклларини намойиш қилишди. Фестиваль кунлари шаҳарнинг барча театрлари жуда гавжум бўлиб кетди.

Ўзбек санъаткорлари эса Нил дарёси бўйида, бутун дунёга машҳур Миср эҳромлари рўпарасида жойлашган Ал-Айн номли муҳташам очиқ театрда «Чимилдиқ»ни мухлислар эътиборига ҳавола этишди. Гарчи улар бу гал фестивалда конкурсдан ташқари иштирок этган бўлсалар-да, мухлислар ва хорижлик театр усталари жуда яхши кутиб олишди. Ўзаро мулоқотлар, ижодий учрашувлар чоғида улар спектакль ҳақидаги фикр-мулоҳазалари, таассуротларини билдиришди. Маълум бўлишича, Миср халқи Ўзбекистонни бениҳоя ҳурмат қилар, мустақил юртимизда содир бўлаётган ижобий ўзгаришлардан эса яхши хабардор экан. Бизникилар қаерда бўлишмасин ва ким билан гурунглашмасин, уларга нисбатан айрича эҳтиром ва самимият билан муносабатда бўлишибди.

-- Мен ана шу сафар чоғида истиқлолимизнинг аҳамиятини янада теранроқ англагандай бўлдим, -- дейди Ўзбекистон халқ артисти «Чимилдиқ» режиссёри Турғун Азизов. -- Чунки мустақиллик туфайли бугун санъаткорларимиз ҳам бемалол хорижга чиқиб, ўзбек санъатини кўз-кўз қилишмоқда. Бундан севинмай бўладими?

Юқорида таъкидлаганимиздек, фестивалда кўплаб хорижий юртлардан ташриф буюрган театр гуруҳлари иштирок этишди. Етти кун давомида санъаткорларимиз уларнинг кўпчилигини томоша қилиш имконига эга бўлишди.

Кези келганда, айтиб ўтмоқчи эдик. Ал-Айн очиқ театрида «Чимилдиқ» намойиш этилаётган кунлари уни томоша қилиш учун ҳатто Мисрда фаолият кўрсатаётган бир қанча давлатларнинг элчилари ҳам ташриф буюришибди. Спектакль ниҳоясида улар бизнинг актёрларимизга чиройли гулдасталар тақдим қилишиб, ўзбек спектакли ўзларида катта таассурот қолдирганлигини самимий эътироф этишибди. Ҳатто, Мўғулистон ва Туркия мамлакатлари элчилари ижодий гуруҳни ўз юртларига таклиф қилишди. Фестиваль кунлари чиқарилган «Экспериментал» журналида «Чимилдиқ» ҳақида араб тилида суръатли мақолалар ҳам чоп этилди. Бир сўз билан айтганда, Қоҳира сафари театр ижодкорлари учун ижодий таассуротларга бой бўлди.

**Ғафур ШЕРМУҲАММАД,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**






*Сиримни сувга айтсамми... Ё сенгами?* **Т. КАРИМОВ сурат-лавҳаси.**







## ● СПОРТ

### БАРЧА СОВРИН -- ЎЗБЕКИСТОН ШАХМАТЧИСИДА

Грециянинг Хана, Эгина ва Кавала шаҳарларида ҳар йил кузда халқаро шахмат мусобақалари ўтказилади. Ўзбекистонлик шахматчи Александр Ненашев бу мусобақаларда иккинчи бор иштирок этиб, иккинчи бор барча совринларни олиб қайтди.

У Ханадаги 82 спортчи иштирок этган турнирда тўққиз турда биронта ҳам мағлубиятга учрамай, 9 имкониятдан 7,5 хол тўплаб, мусобақа ғолиби бўлди. Иштирокчилар сони 126 нафарга етган Эгинада Ненашев ўзининг юксак малакасини намойиш этиб, 9 имкониятдан 8 та хол тўплади.

Ўзбекистонлик шахматчининг Кавала шаҳридаги муваффақияти ҳам кутилмаган ҳодиса бўлгани йўқ. У бу ердаги мусобақада 7,5 хол тўплаб, ғалабага эришди ҳамда янаги йилда бўладиган мусобақага таклиф этилди.

Ўзбекистон чемпиони Рена Мамедова ҳам учала турнирда муваффақиятли қатнашди. У Ханада грециялик шахматчи Мария Кауюатфоу билан 1-2 ўринларни бўлишиб олди, Ренада учинчи ўринни эгаллади, Кавалада эса грециялик шахматчи Екатерина Факхиридоу билан энг яхши натижа кўрсатиб, 9 имкониятдан 5,5 хол тўплади.

### ЖАҲОН РЕКОРДИ

Польшада фахрийлар орасида оғир атлетика бўйича жаҳон чемпионати ниҳоясига етди. 46 мамлакатдан 542 спортчи қатнашган мазкур мусобақада Ўзбекистондан республиканинг ўн карра чемпиони, халқаро тоифадаги спорт устаси Комил Панохов иштирок этди.

Спортчимиз иккита жаҳон рекорди ўрнатди -- силтаб кўтаришда 126 килограмм, (олдинги рекорд 125 килограмм эди), елкага олиб кўтаришда 161 килограмм натижа кўрсатди (олдинги рекорд 160 килограмм).

**(ЎзА)**

«Ўзагросуғурта» давлат акциядорлик суғурта компанияси бошқаруви жамоаси компаниянинг Навоий вилояти дирекциясининг директори Ш. Н. Фозиловга волидаи муҳтарамалари
**ҲАМРОБИБИ аянинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон телерадиокомпанияси жамоаси Ўзбекистон телевидениесининг Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги махсус мухбири Исмоил Шомуродовга онаси
**РАҲИМА аянинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Республика «Ўзагрокимётаъминот» давлат акционерлик бирлашмаси жамоаси Наманган вилояти «Агрокимётаъминот» бирлашмаси раиси Абдубоқи Ғаффоровга волидаи муҳтарамаси
**Ҳамидахон РАСУЛОВАнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР:
Парламент 133-57-34;
Халқаро ҳаёт 132-11-15;
Хатлар 136-55-39;
Ҳуқуқ ва қонунчилик 136-37-85;
Иқтисодиёт 136-36-65, 136-07-94;
Маънавият 136-35-60, 132-10-65;
Тунги муҳарририят 133-10-28;
Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г — 0594, 34.114 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва Иван РЕШАНОВ томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ж. Сафоев.
Навбатчи — О. Раҳимов.
Мусаҳҳиҳ — Б. Ҳасанов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди — 23.40 1 2 3 4 5 6